300409

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 15 апрель, № 76 (4739) Чоршанба

Фарғона шаҳрида Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарининг мазмун-моҳияти, унда илгари сурилган масалаларни ўрганишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ПРЕЗИДЕНТ АСАРИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбирда тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари, олим ва мутахассислар, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг раҳбарлари иштирок этди.

Кўлами тобора кенгайиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Анжуманда Юртбошимизнинг мазкур асарида жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатларининг олдини олиш ва юмшатиш йўллари аниқ кўрсатиб берилгани таъкидланди. Шунингдек, банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш сингари муҳим масалалар хусусида сўз юритилди.

Семинарда сўзга чиққанлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг самарадорлиги, жаҳон молиявий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари, Юртбошимизнинг ушбу асарида илгари сурилган вазифалар, фикр ва мулоҳазалар ҳақида гапирдилар. Мазкур китоб жаҳон молиявий инқирози шароитида мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилишини, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар аниқ белгилаб берилгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур асари ва ушбу дастурнинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, тушунтириш ишларини олиб бориш ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбарлари зиммасига катта масъулият юклайди. Семинарда Президентимиз асарини ўрганишнинг илмий-педагогик, ўқув-услубий таъминоти масалалари хусусида фикр алмашилди.

М. СУЛАЙМОНОВ, ЎзА мухбири.

ЗАМИН ЖАВОҲИРИ

«Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси ишчиларининг шижоатли меҳнати туфайли халққа хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда нафақат ер усти, балки ер ости бойликлари ҳам бисёр. Заминимиз қаъридаги бойликлар мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида бунёд этилган улкан саноат корхоналари томонидан қазиб олиниб, халқимиз турмуш даражасини яхшилаш, иқтисодиётимизни ривожлантириш мақсадларига йўналтирилмоқда.

ИСЛОҲОТ

«Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси — шулардан бири.

Ушбу корхонанинг кўп сонли аҳил жамоаси меҳнати билан қазиб олинган нефть ва газ тозаланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Бунда ўттиз беш йилдирки, газни олтингугурт бирикмаси ва углероддан тозалаш цехида меҳнат қилиб келаётган, "Шуҳрат" медали соҳиби, катта оператор Абдужалил Қудратов ва унинг Шуҳрат Эшдавлатов, Бойназар Умаров, Аҳмад Хуррамов (суратда) сингари илғор ҳамкасбларининг муносиб ҳиссаси бор.

Уларнинг кучи билан мазкур цехда бир кеча-кундузда 40 миллион кубометр газ тозаланмоқда.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

Тошкентнинг 2200 йиллиги олдидан

ДЎСТЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ШАҲРИ

Пойтахтимизда "Ўзбекистон — умумий уйимиз" мавзуида дўстлик фестивали бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган мазкур тадбир республика Байналмилал маданият маркази, Ўзбекистон Корейс маданият марказлари ассоциацияси ҳамда Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда республика Байналмилал маданият маркази директори Н. Муҳаммадиев, Ўзбекистон Корейс маданият марказлари ассоциацияси раҳбари В. Шин ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда яшаётган барча миллатларнинг миллий анъана ва қадриятларини асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

ДАЛАЛАР ТАРОВАТИ

Ҳар бир йилнинг ўз хислати бўлади. Буни, айниқса, деҳқонлар яхши билади. Улар бу йилги баҳор деҳқончилик учун қулай келганини айтишмоқда. Зеро, бугун кўклам шукуҳидан яйраган деҳқоннинг ғайрати Чортоқ тумани далаларини файзиёб айлаётир.

Туман деҳқонлари жорий йилда 3761 гектар майдонга чигит қадашади. Дала ишларида унум ва сифатни таъминлаш мақсадида 15 та гуруҳ ташкил қилингани, кунлик мониторинг таҳлиллари олиб борилгани туфайли ерлар экишга барвақт тайёрлаб қўйилди.

— Янги қишлоқ хўжалиги йилини бошқача руҳда, ўзгача иштиёқ билан бошладик, — дейди "Шуҳрат. Баҳром. Козим" фермер хўжалиги раҳбари Сотиболди Ҳайитов. — Бунинг сабаби аниқ: Юртбошимиз фермерлик ҳаракатига, фермерларга катта ишонч билдирмоқдалар. Юртимизнинг ер, сув бойлиги бизга ишониб топширилган экан, бу борадаги ислоҳотнинг туб моҳиятини англашимиз, шунга яраша меҳнат қилишимиз зарур. Ахир, деҳқоннинг иши юришса, мамлакат бой, юрт фаровон бўлади-да. Мана, бултур ғалладан мўл ҳосил олдик. Шартномадан ортган 210 тонна доннинг бир қисмини ишчи-хизматчиларимиз, қўни-қўшниларга бепул тарқатдик. Савоб ишнинг ижобати дарров билинар экан, ғаллачиликдан топган даромадимиз 60 миллион сўмга етди. Насиб этса, бу йил даромад ундан ҳам кўпаяди.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Чортоқда Сотиболди ака сингари ўз ишига пухта, ерни ардоқлаб, аграр соҳанинг устуни, дея ном олган фермерлар жуда кўп. Масалан, "Ойқиронлик пахтакор", "Кўнаев Азимхўжа Акмалхўжа", "Пешқўрғон Худоёри", "Муродилла уста пахтакор" сингари фермер хўжаликлари мавжуд майдонларни чигит экишга тўла шай қилиб қўйишди. Айни чоғда улар бу йил сув бирмунча тақчил бўлишини ҳисобга олиб, суғориш тармоқларини намунали ҳолатга келтириш, қўшимча сув манбаларини ишга солишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Таъкидлаш керакки, Чортоқ сув омборида мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилгандан сўнг бу ерда оби-ҳаётнинг ерга беҳуда шимилишига бутунлай чек қўйилди. Бир қатор фермер хўжаликлари эса ташлама сувлардан қайта фойдаланиш мақсадида ўз ҳудудларига кичик ҳажмли насослар ўрнатишни мўлжаллаб туришибди. Бу ўз самарасини беради, албатта.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Танлов

Ёшларни тарихимиз билимдонлари, аждодларимизнинг муносиб ворислари этиб тарбиялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида мактаб ўқувчилари ўртасида анъанавий "Аждодлар мероси — келажак пойдевори" кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

«Аждодлар мероси — келажак пойдевори»

Танловнинг бу йилги республика босқичи қадимий Хива шаҳридаги Ичанқалъанинг Арк майдонида бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва юртимизнинг барча вилоятларидан келган ёшлар жамоалари 4 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Танлов ниҳоятда қизғин баҳслар остида ўтди.

Якунда Фарғона туманидаги 10-умумтаълим мактабининг "Турон", Қашқадарё вилоятининг Косон туманидаги 6-мактабнинг "Соҳибқирон" жамоалари биринчи, Хоразм ва Жиззах вилоятлари жамоалари иккинчи ўринга лойиқ топилди. Ғолиблар дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

О. ЖУМАНИЁЗОВ.

Мамлакат бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Дастур ижроси таъминланади

Фурқат тумани "Сувоқова" ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан амалга оширилаётган ишлар туфайли «Сурпа» ва «Янгиқишлоқ» маҳаллаларида истиқомат қиладиган аҳоли тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлди.

Туман инфратузилмасини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган дастур ижросини таъминлаш шундай имкониятни яратиб берди.

Мазкур дастурнинг 2009 йилга мўлжалланган режасида эса, Чиркай, Янги маҳалла, Қулбобо, Султон қишлоқларини ҳам тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш кўзда тутилган.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Билимдонлар синови

Бухорода "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ўртасида ўтказилган бу галги танловда ўқувчилар миллий қонунчилигимизни қай даражада билишларини намойиш этдилар. Жамоалар қонунларнинг ҳуқуқий жамият барпо этишдаги аҳамиятини турли саҳна кўринишлари орқали очиб беришга ҳаракат қилдилар.

Танлов якунига кўра, Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг "Истиқбол" жамоаси ғолиб деб топилди. Бу жамоа энди кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашади.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қизилтепа туманидаги Ванғози фуқаролар йиғинида 22 минг аҳоли истиқомат қилади.

Замонавий сервис маркази

Уларга замонавий хизмат кўрсатиш мақсадида йирик сервис маркази ишга туширилди.

Бу ерда интернетга уланган компьютер хонаси ёшлар билан гавжум. "PAYNET" ишлаб турибди. Шунингдек, масканда мураккаб техникаларни таъмирлайдиган устахона, мини маркет ва кафе фаолият кўрсатмоқда.

Айни пайтда тадбиркор Ж. Темиров сармояси ҳисобидан Ванғозида 125 ўринли замонавий ёпиқ бозор қурилиши ҳам ниҳоясига етказилмоқда.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Оила даромадининг қўшимча манбаи

2009 йил мобайнида республикамизнинг қишлоқ жойларида

янги касаначилик иш ўрни яратилади.

Тикувчилик, ипакчилик, қайта ишлаш, мебель саноати корхоналари билан кооперациялаш, ҳунармандчиликни ривожлантириш ва пудрат шартномалари бўйича ишни уйда бажариш асосида ташкил этиладиган ана шу иш ўринлари аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш имконини беради.

Нукус тумани маркази — Оқмангит шаҳарчасида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Оқмангитда меҳнат ярмаркаси

Тумандаги ташкилот ва муассасалар 90 га яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Мазкур тадбир туфайли 70 нафар фуқаро ишга жойлашди.

Туман Бандликка кўмаклашиш маркази маълумотига кўра, жорий йил бошидан буён 327 нафар фуқаро ўз мутахассислиги бўйича ишли бўлди. Бунда ҳар икки ойда бир марта ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Ҳ. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркор Тўлқинжон Қорабоев Қўрғонтепа туманидаги Бозорбоши маҳалла фуқаролар йиғинида гузар қуриб, фойдаланишга топширди.

Маҳалланинг обод гузари

Савдо дўконлари, сервис хизмати шохобчалари, "Оталар чойхонаси", қассобхона ва тикувчилик цехлари мавжуд бўлган ушбу мажмуа қишлоқ аҳлининг оғирини енгил қилмоқда.

Муҳими, маҳалла гузари фойдаланишга топширилиши туфайли 12 киши доимий иш билан таъминланди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркорлар ҳамкорликка ундайди

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш мақсадида, хориж инвестициясини жалб этиш учун Жиззах вилоятининг бир гуруҳ тадбиркорлари Туркияда бўлиб қайтишди.

Сафар давомида жиззахлик тадбиркорлар туркиялик ҳамкорлари билан умумий қиймати 8,4 миллион АҚШ долларилик замонавий техника ва жиҳозлар сотиб олиш юзасидан шартномалар имзолашди.

Шунингдек, айни пайтда Туркиядаги молия муассасалари билан вилоятда енгил саноатни ривожлантиришга қаратилган 4 та янги лойиҳага кредит ажратиш масаласида музокаралар олиб борилмоқда.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизда тиббий ва ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолига ёрдам кўрсатиш, ижтимоий соҳа муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф қилиш учун бериладиган мақсадли, беғараз, яъни инсонпарварлик ёрдамлари муҳим аҳамиятга эга.

САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ КАФОЛАТИ

Ўзбекистонда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ўтказилаётган изчил ислоҳотлар туфайли халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатларнинг инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмак воситалари кенг жалб этилаётир. Республикамизга келтирилаётган инсонпарварлик юклари, асосан, тиббиёт асбоб-ускуналари, доридармонлар, тиббиёт жиҳозлари, компьютер техникаси, кийим-кечаклар, пойабзаллар, уй жиҳозларини ташкил этади. Жорий йилда 101,6 млн. АҚШ доллари миқдорида мана шундай беғараз ёрдам келиши кутилмоқда. Мазкур маблағлардан оқилона фойдаланиш, донорлар ишончини янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис 2008 йил 24 ноябрда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаментини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Унга асосан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигига мамлакатимизга келаётган барча турдаги, шу жумладан, номоддий шаклдаги инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини тўлиқ ва тизимли ҳисобга олиш вазифаси юклатилган. Шу муносабат билан амалдаги "Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритилди. Қонун парламент юқори палатасининг ўн саккизинчи ялпи мажлисида маъқулланди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиб, кучга киритилди.

Қонун кучга кирди

Мазкур ҳужжат инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини тартибга солувчи мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ноаниқлик ва камчиликларни бартараф этиб, уларни янада такомиллаштирди. Чунончи, инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари келиб тушиши ва ўзлаштирилиши бўйича яхлит ҳисоб-китоб тизими мавжуд эмас эди. Бу йўналишдаги вазифаларнинг бир қатор ваколатли органларга юклатилгани ҳам ишларнинг самарали юритилишига халақит берарди. Масалан, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фақатгина техник кўмаклашиш воситаларини жалб этиш ва ўзлаштириш масалаларини мувофиқлаштиришга масъул қилиб белгиланган бўлса, инсонпарварлик ёрдами масалалари бошқа ваколатли органларга бириктирилган эди. Қолаверса, грант воситаларини жалб этиш ва тақсимлаш жараёнлари ҳам марказлаштирилмаганди. Ушбу вазифалар ягона органга юклатилмаганлиги ҳам мазкур ўзгаришларга сабаб бўлди.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган Қарорига биноан, инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини олувчилар Молия вазирлигининг ғазначилигига ўзларининг шахсий банк ҳисобваракларидан кўчирмалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шакл ва муддатларда, жумладан, номоддий шаклдаги инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари тўғрисида ҳисобот тақдим этиб бориши тартиби белгиланди.

Умуман, бу вазифанинг ғазначиликка юкланишида қатор қулайликлар мавжуд. Аввало, инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмак воситалари олувчиларнинг 90 фоизидан ортиғи айнан бюджет ташкилотлари ҳисобланади. Ғазначилик тизимининг замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланганлиги, кенг маълумотлар базасига, бюджет маблағлари олувчиларнинг ҳисоботи ва ҳисобварақларини юритиш бўйича тажрибага эга эканлиги инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларининг тўлиқ ва тизимли равишда ҳисобга олиш, манзилли тақсимлаш ва мақсадли фойдаланиш имкониятини яратади. Шунингдек, Молия вазирлиги ғазначилиги ўзининг кўп тармоқлилиги, яъни деярли барча туман ва шаҳарларда ғазначилик бўлинмалари борлиги, марказлашган маълумотлар базасининг мавжудлиги сабаб, келиб тушаётган инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни мувофиқлаштиради. Шу билан бирга, уларнинг тўлиқ ва тартибли ҳисобга олинишини таъминлайди.

Амалдаги Қонуннинг "Ғазначиликнинг асосий вазифалари" номли 7-моддасига киритилган қўшимча Молия вазирлиги ғазначилигига Ўзбекистон Республикасига берилаётган барча турдаги, яъни номоддий шаклдаги инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш маблағлари тўлиқ ва тизимли ҳисобга олинишини назарда тутади.

Шу маънода, мазкур Қонуннинг кучга кириши, биринчидан, мамлакатимизга инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари киритаётган, халқаро грантлар ажратаётган донорлар олдида Ўзбекистоннинг обрўсини мустаҳкамлайди. Муҳими, инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситалари, шу жумладан, халқаро грантларни мувофиқлаштириш учун самарали механизмни шакллантиришга хизмат қилади.

Гулсанам ШОКАРИМОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича халқаро ҳамжамият олдида ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришга катта эътибор қаратмоқда. Бу иллатга қарши кураш борасида мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган.

НАРКОТИКЛАР ЙЎЛИДАГИ МУСТАҲКАМ ТЎСИҚ

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати томонидан ҳукумат топшириғига биноан, мамлакатимизнинг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда 14 апрель куни наркотик моддалар савдосига қарши кураш давомида мусодара қилинган гиёҳвандлик воситалари йўқ қилинди. Тошкент шаҳри Сирғали туманидаги заводлардан бирининг домна печларида идораларо комиссия аъзолари иштирокида 1711 килограмм наркотик воситалар, жумладан, 501,2 килограмм героин, 1104 килограмм опий, 90,5 килограмм наша, 11,3 килограмм марихуана, шунингдек, катта миқдордаги кўкнори похоли, наша ўсимлиги, таблетка ва эритмалар шаклидаги психотроп препаратлар ёқиб юборилди. Ушбу тадбирда БМТнинг Наркотик моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази етакчи эксперти М.Дулиевнинг айтишича, 1994 йилнинг майида илк бор 14 тонна наркотик модда ёқиш йўли билан йўқ қилинган эди. Мамлакатимизда бу борада ишлаб чиқилган амалиётга мувофиқ, жиноий ишлар бўйича ашёвий далил сифатида олиб қўйилган гиёҳванд моддалар Ўзбекистон Республикаси Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси аъзолари томонидан суд ҳукмлари кучга киргандан сўнг барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари вакиллари иштирокида махсус ажратилган домна печларида ёқиб юборилади. Катта миқдордаги наркотик моддалар эса БМТ, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида 1994 йилдан буён 42 тонна гиёҳванд модда йўқ қилинган.

БМТнинг Наркотик моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий вакили Жеймс Каллахан мазкур воқеани шарҳлар экан, наркобизнесга қарши кураш бўйича халқаро фаолиятни мувофиқлаштиришда Ўзбекистон муҳим ўрин тутишини таъкидлади. У мамлакатимизда мусодара қилинаётган гиёҳванд моддалар ҳажми кўпайгани ва ушбу йўналишдаги ишлар салмоғи ортганини қайд этди ҳамда бу борада халқаро ҳамкорликни кучайтириш зарурлигига эътибор қаратди.

Ўзбекистонлик экспертлар наркотик моддалар билан боғлиқ ўтган йилги вазиятни изоҳлаб берди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва наркотикларни назорат қилиш бўйича ҳудудий комиссиялар маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, аввалгидек, қўшни Афғонистонда гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ва афғон героини ва опийининг "Шимолий маршрут"га йўналтирилгани республикамизда гиёҳванд моддалар билан боғлиқ вазиятнинг ёмонлашувига асосий сабаб бўлмоқда. Экспертлар наркобизнес билан шуғулланадиган гуруҳларнинг хатти-ҳаракатлари Афғонистонда ишлаб чиқарилган гиёҳванд моддаларни ҳамон Россия ва Европа мамлакатларига етказиб беришга қаратилганини таъкидламоқда. Бунинг натижасида эса Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида қолаётган наркотик моддалар миқдори кўпайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан наркозкспансияга қарши кураш мақсадида гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланадиган трансмиллий гуруҳларни аниқлаш ва уларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйиш, контрабанда йўлларини тўсиш, гиёҳванд ўсимликлар экиладиган майдонларни йўқ қилиш ҳамда наркоманиянинг ёйилишининг олдини олиш бўйича махсус комплекс операциялар амалга оширилмоқда.

Бу борада кўплаб мисоллар келтириш мумкин. 2008 йил 5 июнда Сурхондарё вилоятида Амударё орқали ясама қайиқда 44 килограмм опий олиб ўтаётган Афғонистон фуқароси қўлга олинди. 10 июнда эса яна Сурхондарё ҳудудида қўлга олинган Афғонистоннинг Балх вилояти фуқаросидан 71,7 килограмм опий ва 2,3 килограмм героин олиб қўйилди. 4 июль куни Тошкент вилоятида "Нексия" автомашинасини текширувдан ўтказиш пайтида махсус ясалган махфий туйнукда 3,565 килограмм героин ва 6,160 килограмм опий борлиги аниқланиб, олиб қўйилди. 24 июль куни Сурхондарё вилоятида ўзбекистонлик фуқаронинг уйи текширилганда, Тожикистондан отларда айланма йўллар орқали олиб келинган 133,2 килограмм героин борлиги аниқланди ва мусодара қилинди.

Наркотик моддалар асосан чегаранинг назорат қилиш қийин бўлган тоғли участкалари орқали пиёда ва отларда, шунингдек, Амударё орқали ясама қайиқларда олиб ўтилмоқда. Халқаро алоқаларга эга наркобизнес жиноий гуруҳлари фаоллашгани кузатилмоқда. Ушбу гуруҳларда афғонистонликлар етакчи роль ўйнамоқда.

Масалан, 2008 йил 24 февралда Сурхондарё вилоятида Амударё орқали ясама қайиқда 24,2 килограмм опий олиб ўтган Афғонистон фуқароси қўлга олинди. 14 июль куни шу вилоятда Балх вилоятининг қуролланган фуқароси қўлга олинди ва у Амударё орқали резина қайиқда олиб ўтган 52 килограмм опий мусодара қилинди. 12 август куни эса яна шу ерда Балх вилоятининг қуролланган фуқароси қўлга олинди ва Афғонистондан шундай йўл билан олиб келинган 27,4 килограмм опий мусодара қилинди. Афғонистонлик фуқаролардан жами 470 килограммга яқин наркотик моддалар олиб қўйилди.

Транзитчилар наркотик моддаларни мева-сабзавотлар, автотранспортдаги махфий туйнуклар, қўл юклари, маиший буюмлар, кийимлар орасида, ўз танаси ичида яшириб олиб келмоқда. Енгил автотранспорт воситасининг ёқилғи газ баллонларидан шу мақсадда фойдаланилган ҳолатлар ҳам аниқланди. Мисол учун, 2008 йилнинг 28 майида Бухоро вилояти ДАН постида "Нексия" русумидаги автомашина текширилганда, унинг юкхонасида ўрнатилган ёқилғи газ баллони ичида 28 килограмм героин борлиги аниқланди ва олиб қўйилди. Шу йилнинг 27 июлида эса Бухоро вилояти ҳудудида автомашинанинг газ баллони ичида яширган ҳолда 14,4 килограмм героин олиб келаётган Ўзбекистон фуқаролари қўлга олинди.

2008 йилда республикамиз бўйича наркотик моддалар билан боғлиқ жами 10200 та жиноят (2007 йилда 9435) аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, бошқа ваколатли вазирлик ва идоралар ўз саъй-ҳаракатини наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш, гиёҳвандлик тарқалишининг олдини олиш, идораларо ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга қаратилган комплекс тадбирларга йўналтирмоқда. Бу борада Наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича 2007-2010 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида кенг кўламли профилактика ишлари амалга оширилмоқда.

Наркология хизмати ва ҳуқуқ-тартибот органлари мутахассислари томонидан оммавий ахборот воситаларида наркомания ва у билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш масалаларига бағишланган 970 та чиқиш қилинди, аҳолининг турли гуруҳлари маъруза ўқилди, 1114 семинар ўтказилди. Ҳудудий ўсмирлар марказлари шифокорлари гиёҳвандликни эрта аниқлаш мақсадида наркологшифокорлар билан биргаликда 1 миллион 900 минг нафардан ортиқ ўсмирни тиббий кўрикдан ўтказди. 2008 йилда диспансер ва профилактика ҳисобида турадиган наркотик моддаларни истеъмол қилувчилар сони камайди ва 21439 кишини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан мутахассисларни жалб этган ҳолда, 1,3 миллион нафардан ортиқ ўқувчи иштирокида гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича дарслар ўтказилди. Гиёҳвандликнинг олдини олишга бағишланган 30 мингта плакат ва фильмлар ёзилган 10 мингта диск тарқатилди.

Бу борада халқаро ҳамкорлик ҳам сезиларли равишда фаоллашди. Марказий Осиё мамлакатлари, Россия, Эрон, Хитой, Польша, Италия, Покистон, Украина, Грузия, Германия, Туркия, Болгария, Латвия ва бошқа давлатлар билан икки томонлама шартномалар, МДҲ, ШҲТ, Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш маркази, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) доирасида кўп томонлама шартномалар амалга оширилмоқда. Бошқа давлатлар билан ҳам бу борадаги ҳамкорликни янада кенгроқ йўлга қўйиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Масалан, республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари 2008 йилнинг март-май ойларида Афғонистон йўналишида прекурсорлар, асосан сирка ангидриди контрабандасини қўлга тиш ва унинг олдини олиш бўйича халқаро операциялар миллий сегментини ўтказди. Операциялар Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг прекурсорлар контрабандасининг олдини олиш соҳасида ҳамкорликда ишлаш механизмини ўзлаштириш имконини берди.

2008 йил 8 апрелда Термиз шаҳридан Хитойдан Афғонистонга кетаётган темир йўл контейнери қўлга олинди. Унда, бошқа товарлар ичида яширилган ҳолда, 1600 литр декларация қилинмаган сирка кислотаси борлиги аниқланди. Сентябрда эса Ўзбекистоннинг ваколатли органлари халқаро лойиҳалар доирасида Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ҳудудида ўтказилган "назоратли етказиб бериш" деб номланган халқаро ўқув операциясида иштирок этди.

Имзоланган шартномалар доирасидаги келишувлар бўйича Марказий Осиё мамлакатлари, Россия, Покистон, Италия, Туркия, Германия, Франция, Болгария, Эроннинг мувофиқлаштирувчи тузилмалари, шунингдек, БМТнинг Наркотик моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш маркази, ЕҲҲТ ва бошқа ташкилотлар билан бу борадаги вазиятга оид йўналиш ҳамда ахборот материаллари алмашиш таъминланмоқда.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ДЎСТЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ШАҲРИ

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори пойтахтимизнинг юбилейини муносиб нишонлаш, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, халқимиз, айниқса, ёшларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Азал-азалдан дўстлик, тинчлик ва бағрикенглик шаҳри сифатида ном қозонган Тошкентда бугунги кунда бир юз ўттиздан зиёд миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил яшамоқда. Барча соҳаларда эришилаётган улкан ютуқларда уларнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Айни пайтда юртимизда уларнинг таълим олиши, ўз анъана ва қадриятларини ривожлантириши, меҳнат қилиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Бу жиҳатлар Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи фаолиятида ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Ушбу билим масканида қиррқа яқин миллат ва элат вакиллари таълим олади. Уларнинг замонавий ахборот технологиялари бўйича пухта билим эгаллаши учун барча зарур шароит яратилган.

— Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган бундай тадбирлар ёшларимизда фидойилик, миллий истиқлол ғояларига садоқат, Ватанимиз тарихига ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга, — дейди коллеж директорининг ўринбосари Ирода Диёрова. — Шу боис пойтахтимизнинг юбилейи арафасида ўқувчиларимиз учун Тошкентнинг турли тарихий масканларига экскурсиялар уюштирилмоқда, маънавий-маърифий учрашувлар, дўстлик фестивалларини мунтазам ўтказмоқдамиз.

Фестивалда миллий либослар намойиши, бадиий кўргазма, коллеж ўқувчилари ва миллий маданият марказларининг бадиий ҳаваскорлик ансамбллари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ — СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ

Мамлакатимизда бевосита Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида иқтисодиётнинг барча тармоқлари, айниқса, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ривожланиб бораётир.

Модернизация

Тармоққа хориж инвестицияси жалб этилиб, замонавий технологиялар билан жиҳозланган кўплаб қўшма корхоналарнинг ишга туширилаётгани эса республикамизда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишига хизмат қилмоқда.

Пойтахтимиздаги "Desk Invest" Ўзбекистон — Австрия қўшма корхонаси — шундай корхоналардан бири. Бу ерда металл ва профилланган томёпқичлар ишлаб чиқарилади. Юқори сифати, иссиқ ва совуққа ўта чидамлилиги, йиллар давомида ўзининг шаклини ва рангини йўқотмаслиги боис уларга талаб тобора ортиб бораяпти.

Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришда хом ашё, айниқса, ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Россиянинг "Магнитогорск" ҳамда "Новолипецк" металлургия комбинатлари корхонанинг асосий ҳамкорлари саналади.

Ҳозирги кунда 25 нафар мутахассис меҳнат қилаётган корхона цехларида ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган. Дунёда йирик қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи Финляндиянинг "Sintech" компанияси технологиялари ўрнатилгани эса корхона фаолият кўламининг йилдан-йилга кенгайишини таъминламоқда. Жумладан, ўтган йили жамоа томонидан истеъмолчиларга 4 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Жорий йилда эса бу кўрсаткични янада ошириш мақсадида янги технологиялар олиб келиш режалаштирилмоқда.

СУРАТДА: корхона ишчиси Жамшид Рўзиев.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида шартномалар, шу жумладан, контрактация шартномалари барча мулк шаклидаги корхоналар, тадбиркорлик субъектлари, тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчилар ўртасида иқтисодий муносабатларни ўрнатувчи ҳуқуқий ҳужжатдир. Бошқача айтганда, у – икки ёки ундан ортиқ жисмоний ёхуд юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтирадиган ёки бекор қиладиган, ўзгартирадиган келишув. Халқимиз тили билан айтганда, шартнома, бу — лафз.

ШАРТНОМА – МУНОСАБАТЛАР АСОСИ

Лафз

Айнан шу ҳужжат ҳозирги кунда жамиятимиз тараққиётининг асосий омилларидан бирига айланди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда унинг ҳуқуқий асослари яратилган. Томонлар шартномаларни тузишда Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролик кодекси", "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги "Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган Низом ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларидан келиб чиқиб, қонуний иш тутишлари лозим.

Хўш, шартноманинг ҳуқуқий жиҳатдан тўғри ёки нотўғрилигини ким аниқлайди? Шартномавий мажбуриятлар бажарилишини назорат қилиш, мониторинг тадбирларини амалга ошириш билан боғлиқ қонуний назорат тадбирлари қайси мутасадди ташкилотнинг зиммасига юкланган?

— Бу масъулиятли вазифа, ҳукумат қарорига кўра, адлия идораларининг зиммасига юклатилган, — дейди Хоразм вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Омонбой Оллаёров. — Бошқармамизнинг шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими бевосита шу иш билан шуғулланади. Айниқса, мутахассисларимиз томонидан қишлоқ хўжалик соҳасидаги шартномавий муносабатлар мунтазам ўрганиб келинмоқда. Афсуски, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг ҳаммаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тўғри тузилган, тўлиқ ижро қилинаяпти, беками-кўст уддаланяпти, деб бўлмайди.

Мана, масалан, контрактация шартномасининг тузилиш тартиби ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда аниқ белгилаб берилган, Адлия вазирлиги томонидан унинг намунавий лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, тегишли тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларга етказилган бўлса-да, ўтган йили вилоятда 5 мингдан ортиқ шартнома қонун ҳужжатлари талабларига зид равишда тузилганлиги аниқланиб, ушбу шартномалар қонуний асосга келтирилди.

Ачинарлиси, бошқармамиз шартномаларнинг бажарилиши юзасидан тегишли суд инстанцияларига жами қиймати 1094203385 сўмлик 1148 та даъво аризаси киритди. Мавжуд камчиликлар ва қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида тегишли ташкилотлар раҳбарлари номига 95 та тақдимнома юборилди. Улар асосида 102 нафар мансабдор шахс интизомий, 8 нафари маъмурий жавобгарликка тортилиб, 5 киши эгаллаб турган вазифасидан озод қилинди.

Дарҳақиқат, шартнома шартлари тўлиқ бажарилиши шарт. Акс ҳолда, томонлардан бири сарсон-саргардон бўлади, иши юришмайди. Агар у фермер ёки тадбиркор бўлса, фаолиятида тўсиқлар юзага келади. Бултур вилоят адлия бошқармасига фермерлар томонидан 221 та ариза ва шикоят тушганлиги шуни кўрсатиб турибди. Пировардида бошқарма уларнинг манфаатларини кўзлаб, судларга 403 та даъво аризаси киритди. Шундан 400 таси, яъни 93611627 сўмлиги қаноатлантирилди.

Келинг, мисолларга мурожаат этайлик. Вилоят адлия бошқармаси томонидан Ҳазорасп туманидаги "Ҳазорасп Саилхон" фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, "Ҳазорасп пахта тозалаш" очиқ акциядорлик жамияти томонидан 2007 йил ҳосили бўйича етказиб берилган пахта хом ашёсининг 80 фоизлик қиймати кечиктириб ҳисоб-китоб қилинганлиги сабабли, 2574000 сўм пеня ундириш юзасидан 2008 йил 10 июнда вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Аниқланишича, фермер хўжалиги "Ҳазорасп пахта тозалаш" ОАЖга, 2007 йил 3 январдаги 371-сонли контрактация шартномасига асосан, 9515800 сўмлик 246 тонна пахта хом ашёси етказиб бериб, шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажарган. Аммо жавобгар шартномага қатъий амал қилмаган. Натижада фермер топширган маҳсулотнинг 80 фоизлик қийматидан 101900 сўми 68 кунга, 1200000 сўми 99 кунга ва 3253000 сўми 140 кунга кечиктирилиб, ҳисоб-китоб қилинган. Шу боис шартноманинг 5.3-бандига мувофиқ, жами 2574000 сўм пеня ундириш ҳақида сўралган даъво аризаси вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан тўлиқ қаноатлантирилди.

Баъзан тадбиркорларнинг хизмат кўрсатувчи ташкилотларда маблағи бўла туриб, улар томонидан хизмат кўрсатилмаслиги ҳолатига нима дейсиз? Шовот туманидаги "Шовот чорвадор" хусусий корхонаси билан Урганч туманидаги "Чорванаслчилик" МЧЖ ўртасида қорамол сотиб олиш ҳақида тузилган 8/10-сонли шартнома шартларига кўра, даъвогар 5800000 сўм пул тўлаш, жавобгар томон эса маҳсулот етказиб бериш мажбуриятини олган эди. Бироқ шартнома мажбуриятлари жавобгар томонидан лозим даражада бажарилмаган ва унга шартномада белгиланган маҳсулот етказиб берилмаган.

Шундан келиб чиқиб, жавобгар — "Чорванаслчилик" МЧЖдан жами 9349600 сўмни "Шовот Чорвадор" хусусий корхонаси фойдасига ундириб бериш сўралганди. Бу масала юзасидан вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилгач, ушбу даъво "Шовот чорвадор" хусусий корхонаси фойдасига ҳал этилди.

Шу ўринда ҳар бир қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи, шу жумладан, фермер хўжаликлари билан тузилган барча турдаги шартномаларнинг бир нусхаси вилоят адлия бошқармасида сақланаётгани, улар тўғрисидаги маълумотлар электрон базаси шакллантирилгани, ўз навбатида, камчилик ва нуқсонларнинг олдини олишга хизмат қилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бундан ташқари, шартномавий муносабатлар бўйича юридик хизматни такомиллаштириш мақсадида жойларда унинг аҳамияти ва роли хусусида мунтазам семинарлар ташкил этилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларда, маҳаллий давлат бошқарув органларида ҳуқуқшунос штатларини жорий этиш ва кадрлар билан таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланаяпти. Юридик маслаҳатчилар ишлаётган идоралар, бошқарув органлари, мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналарда уларнинг малакаларини ошириш учун ўқув курслари ташкил этилиб, кейинчалик улар аттестациядан ўтказилаяпти. Бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини беради, албатта.

Шуни унутмаслик керакки, шартнома муносабатларида фаол қатнашадиган буюртмачи, ижрочи, таъминотчи, хизмат кўрсатувчи у ҳам бўлса, шартнома мажбуриятларини тўлиқ мақсадга қаратилган: шу орқали мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишдир. Бунинг учун ҳар ким қонунга қатъий амал қилиши, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўла-тўкис бажариши керак. Яъни, барча шартнома муносабатлари иштирокчиларида лафз бўлиши лозим. Шундагина шартномалар фойда келтиради.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Банк бинолари сотувда



Европадаги йирик банклардан бири — "HSBC Holdings" жаҳон молиявий инқирози туфайли бирйўла учта йирик биносини сотишга қарор қилди. Бу ҳақда "Таймс" газетаси хабар тарқатди.

Савдога ушбу молия муассасасининг Лондондаги бош офиси, шунингдек, Нью-Йорк ҳамда Париж шаҳарларидаги идоралари қўйилган. "HSBC" шу йўл орқали 2,7 миллиард фунт стерлинг (4 миллиард АҚШ доллари) миқдоридаги маблағга эга бўлишни кўзлаб турибди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз, инқироз туфайли нуфузли молия муассасаларининг ўз кўчмас мулкларини сотиши одатий ҳолга айланди. Масалан, сал авваллоқ АҚШнинг йирик суғурта корпорацияси "AIG" ҳам Токио ва Манхэттендаги идораларини савдога қўйганди.

Яна ер қимирлади

Италия марказидаги Абруццо ҳудудида яна ер силкиниши кузатилди, дейилади "Франс-пресс" ахборотида.

Сейсмологлар зилзила кучи бу гал Рихтер шкаласи бўйича 5 балл атрофида бўлганини қайд этишди. Унинг таъсири Римда ҳам сезилган. Ҳозирча қурбонлар ва талофотлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг 6 апрелида мамлакат марказида содир бўлган ер силкиниши оқибатида қарийб 300 киши ҳаётдан кўз юмган, яна бир ярим минг киши жароҳатланганди. Табиий офат келтирган зарар миқдори эса 3 миллиард евронни ташкил этмоқда.

Кўприк қулаб тушди

Перунинг тоғли ҳудудидаги Аякучо музофотида жойлашган осма кўприкнинг қулаб тушиши фожиага сабаб бўлди.

Ахборот агентликлари маълумотига кўра, узунлиги 120 метр бўлган, ёғочдан ясалган мазкур кўприк бирйўла саксон кишининг чиқишига дош бера олмаган. Натижада саккиз киши ҳаётдан кўз юмган, етмишга яқин киши жароҳатланган, улардан 33 нафарининг аҳволи оғир экани айтилмоқда.

Пул керакми? Озинг!

"Дэйли телеграф" нашрида қайд этилишича, Буюк Британия Соғлиқни сақлаш миллий хизмати мамлакатда озганларга 70-425 фунт стерлинг миқдорида пул тўламоқчи.

Бу аҳоли саломатлиги йўлида амалга оширилаётган муҳим лойиҳа ҳисобланади. Пул мукофотини олиш истагида бўлган киши 13 ойлик озиш дастурида қатнашиши лозим. Танловдан муваффақиятли ўтганлар кейинги олти ой ичида ҳам семириши мумкин эмас.

Лойиҳа шартига кўра, етти килограммгача озганларга 70, 13,5 килограммгача озганларга 160, 22 килограммгача озганлар эса 425 фунт стерлинг миқдорида мукофот берилади.

Марсда муз бор

АҚШнинг Техас штатида сайёралар ва уларнинг йўлдошларини ўрганиш бўйича ташкил этилган конференцияда олимлар Марсда муз борлигини маълум қилишди.

"Сайнс нов" интернет нашрида ёзилишича, тадқиқот ишларига икки гуруҳдан иборат мутахассислар жалб этилганди. Гуруҳлар сайёрани "Хайрайс" камераси орқали кузатиб боришган.

У ерда музнинг мавжудлиги метеоритларнинг сайёрага зарб билан келиб урилиши натижасида аниқланган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли китобида дунёнинг ҳозирги вақтда бир қатор етакчи таҳлил ва экспертлик марказлари глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қуйидаги хулосаларга келаётганлигини қайд этди: "Биринчидан, молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талафотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда".

ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗИ

салбий таъсири ва унга қарши курашиш чора-тадбирлари хусусида

Дарҳақиқат, кейинги йилларда ривожланган мамлакатларда сурункали бюджет тақчиллиги ва салбий ташқи савдо сальдосининг кузатилаётганлиги жаҳон молиявий инқирозининг вужудга келишининг асосий омилларидан бири ҳисобланмоқда. Айниқса, жаҳон иқтисодиётида кузатилган номутаносиблик ҳолатлари, яъни айрим ривожланган мамлакатлар ташқи савдо балансида йирик миқдордаги тақчиллиқнинг сезилаётганлиги асосан ривожланаётган мамлакатлар савдо балансининг ортишига олиб келди. Натижада дунё мамлакатлари валюта захираларининг ўзгариши, жумладан, Хитой, Япония, Яқин Шарқ мамлакатларида валюта захираларининг кескин ўсиши юз берди.

Бундан ташқари, ривожланган мамлакатлар, айниқса, АҚШ давлат ташқи қарзи миқдори ва унинг ЯИМга нисбатан салмоғи ўсганлиги инқироз кучайишининг асосий омилларидан бири бўлди. Хусусан, 2008 йилда АҚШ ташқи қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи қарийб 90 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич Россияда 37 фоизга, Қозоғистонда — 102, Украинада — 64 ва Қирғизистонда 81 фоизга тўғри келди.

Бу борада Ўзбекистон Республикасида тескари тенденцияни кузатамиз. Яъни, амалга оширилган оқилона сиёсат натижасида ташқи қарзларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши бултур 13,3 фоизни ташкил қилди.

Президент Ислом Каримов жаҳон молиявий инқирози ҳолати ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир фикрларини давом эттириб, "Иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди" деб алоҳида таъкидлади.

Халқаро экспертларнинг эътироф этишларича, АҚШ жаҳон ялпи ички маҳсулотининг асосий истеъмолчиси эканлиги жаҳон молиявий инқирозининг келиб чиқишига фаол таъсир кўрсатган. Маълумотларга қараганда, АҚШнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши 20 фоизни ташкил қилсада, унинг истеъмолдаги ҳиссаси қарийб 40 фоизга тенг.

Савол туғилади: қолган 20 фоиз истеъмол товарларини АҚШ сотиб оладими? Қандай қилиб сотиб олади? Қайси пулга харид қилади?

Албатта, уларни бошқа мамлакатлар ҳисобидан, товар билан таъминланмаган қоғоз пуллар (АҚШ долларлари)ни керагидан ортиқ босиб чиқариш ҳисобига сотиб олади. Шу йўл билан дунё миллий бойлигини тақсимлашда, айтиш мумкинки, қарақчилик йўлини тутади.

Ҳозирги кунда АҚШ долларлари эмиссиясини ўз мамлакати иқтисодиёти муомаласида бўлган мамлакатлар ҳукумати эмас, балки АҚШ ҳукумати ҳам назорат қила олмайди.

Хўш, унда АҚШ долларларини ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш билан ким шуғулланади?

Бундай ваколат 20 та хусусий банкни бирлаштирган, хусусий ташкилот мақомига эга бўлган АҚШ Федерал Захира тизими (Марказий банки)га берилган. Бу хизматнинг собиқ раиси Алан Гринспен бошчилигида тизим томонидан олиб борилган норационал пул-кредит сиёсати ҳамда қайта молиялаштириш ставкасининг сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида банклар томонидан кредит бериш кўлами кескин ўсди. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш тизимининг номувофиқлиги туфайли эса банклар томонидан кредитлаш тизими талаблари енгиллаштирилди.

Амалдаги банк капиталини халқаро тартибга солиш (Базель II) тизими молиявий инқироз вужудга келиши учун замин яратганлиги ҳам эътироф этилмоқда. Гап шундаки, ўтган асрнинг 90-йиллари бошида қабул қилинган Базель II тизими тижорат банклари учун талаб қилинадиган капитал ёки капиталнинг етарлилигини активларнинг инвестицион сифатлари

Муносабат

ва уларнинг хатарли даражаси бўйича гуруҳлашни кўзда тутади. Натижада Базель II банк капиталларини рейтинг агентликлари хулосаларига асосланган ҳолда, юқори хатарли активларни секьюритизациялаб, қимматли қоғозларга айлантиришни рағбатлантирди.

Юқоридаги ҳолатлар чиндан молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлигини ва янги ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш орқали мос молиявий архитектурани шакллантириш зарурлигини тасдиқламоқда.

Президент Ислом Каримов глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қуйидаги учинчи хулосага келаётганлигини ҳам уқтирди: "Учинчидан, молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади".

Шу ўринда жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга таъсири жиддий бўлмаганлигини Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислоҳот ва модернизация модели, "шок терапияси" деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечилганлиги; маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўли танланганлиги; давлат бош ислоҳотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини аниқ белгилаб олинганлиги; Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги; оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилганлиги; аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Президент Ислом Каримовнинг фикрича, "тўртинчидан, жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ".

Юқорида айтилганидек, ҳозир Ўзбекистоннинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 13,3 фоизни ташкил этмоқда, экспорт ҳажмига нисбатан эса 31 фоиздан ошмайди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг халқаро даражадаги тўлов қобилиятига эгалигини ифодалайди.

Республикамизда доимо қисқа муддатли олибсотарлик мақсадларидаги фаолият учун кредитлар ажратишдан воз кечилиб, чет эл инвестициялари узоқ муддатларга, имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этилди. Натижада миллий иқтисодиётимизнинг халқаро кредитлар бозоридаги конъюнктурага кескин боғлиқлиги ва молиявий инқирознинг салбий оқибатларининг олди олинди.

2007-2008 йилларда ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми 2,5 мартадан кўпроқ ошди. Бу ҳолат миллий иқтисодиётимизнинг юқори инвестицион салоҳиятига эга бўлаётганлиги ва ҳукуматимиз томонидан яратилаётган қулай инвестицион муҳит билан бевосита боғлиқдир. Пировардида якунланган йилда 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Унинг 70 фоизи тўғридан-тўғри жалб қилинган инвестициялар улушига тўғри келади. Бу маблағ эса миллий иқтисодиётимизнинг ривожланиши учун стратегик аҳамиятга эга бўлган реал секторларни модернизация қилишга йўналтирилди.

Инвестиция дастури доирасида 2009 йилда 1,8 миллиард АҚШ долларидан ортиқ хорижий инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланганлиги, ўз навбатида, истиқболдаги барқарор иқтисодий ўсиш жараёнлари кузатилиши кутилаётганлигидан далолат беради. Мазкур хорижий инвестицияларнинг 75 фоизи тўғридан-тўғри инвестициялар улушига тўғри келади. Шундай бўлса-да, Юртбошимиз таъкидлаганидек, "тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади".

Чиндан ҳам, ҳозирги кунда ташқи дунё билан икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларимиз ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларни амалга оширишда хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларига, бинобарин, чет эл инвестицияларига эҳтиёж мавжуд. Қолаверса, жаҳон бозоридаги талабнинг пасайиб бориши маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналаримизнинг экспорт кўламига жиддий таъсир кўрсатади.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, ҳозирда ривожланиб бораётган молиявий бўҳрон, бир қатор банклар ва молиявий муассасаларнинг инқирози таъсирида кўплаб мамлакатларда ишсизлик, ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши кучайиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, давлатимиз томонидан инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурда талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-тадбирлар мажмуи ўз аксини топганки, шубҳасиз, буларнинг бари ўз самарасини беради.

Бозор ТУХЛИЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Молия ва солиқлар» кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

ХОАТИ «ТУРКИСТОН» БАНКИ

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА ЯНГИ ЮҚОРИ ДАРОМАДЛИ «АНТИҚА» ОМОНАТИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ!

ХОАТИ «Туркистон» банки 2009 йил 1 июнгача аҳолидан миллий валютада чекланмаган миқдорда бир йил муддатга йиллик 28% фоиз ҳисобида янги «АНТИҚА» омонатига нақд пул қабул қилади.

Омонат муддати тугагач, бошланғич бадал миқдорига 4% бонус ҳисобланади.

Бундан ташқари, ХОАТИ «Туркистон» банки миллий ва хорижий валюта (АҚШ доллари)да қуйидаги омонат турларини таклиф қилади:

Т/р	Омонат турлари	Сақлаш муддати	Йиллик фоизи	Бонус*
	Миллий валютадаги омонатлар			
1.	Талаб қилиб олингунча бўлган омонат	Муддатсиз	6%	—
2.	«Ижтимоий ҳимоя»	12 ой	18%	—
3.	«Бахтли болалик»	10 йил	18%	—
4.	«Омад-1»	3 ой	18%	1%
5.	«Омад-2»	6 ой	18%	1,5%
6.	«Омад-3»	1 йил	18%	2%
7.	«Баҳор-2009»	3 ой	26%	—
8.	«Антиқа»	1 йил	28%	4%
	Хорижий валюта (АҚШ доллари)даги омонатлар			
9.	3 ойга	3 ой	7,5%	—
10.	6 ойга	6 ой	9%	—
11.	1 йилга	12 ой	12%	1,5%

Барча омонатлар бўйича фоиз даромадлари ҳар ойда тўланиб борилади.

* ***Омонат муддати тугагач, бошланғич бадал миқдорига бонус қўшиб берилади.***

Маълумот учун телефонлар: 232-18-57, 236-01-28.

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК ТАМОЙИЛИ – АМАЛДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида одил судловни амалга оширишда тарафлар тенг ҳуқуқлигини таъминлашнинг назарий-амалий муаммоларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда мазкур марказ директори А.Ғафуров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов, Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази директори Ж.Ҳайдаров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бунда муҳим омил бўлмоқда. Зеро, кучли мустақил адвокатура тизими инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг самарали механизмларидандир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, Адвокатлар палатаси вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда судьяларнинг бурч ва масъулияти, касб маҳорати ва малакасини янада ошириш, одил судловни таъминлашда прокурор ҳамда адвокатнинг ролига бағишланган маърузалар тингланди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЕЙСТРИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2009 ЙИЛ 28 МАРТДАН 10 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Табиий монополия субъектларининг Давлат реестрини тузиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 23 февралдаги 7-сонли қарори.*

2009 йил 30 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1930 (2009 йил 9 апреллан кучга киради).

2. «Иноолик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 10 мартдаги 32, 69, ЗГ-01/10-1559, 2009-16, 01-02/8-5-сонли қарори.*

2009 йил 31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1932 (2009 йил 10 апреллан кучга киради).

3. «Хусусийлаштириш инвестиция фондининг намунавий эмиссия проспектига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлигининг 2009 йил 25 мартдаги 2009-23, 40-сонли қарори.*

2009 йил 31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 644-1 (2009 йил 10 апреллан кучга киради).

4. «Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 31 мартдаги 85-мх-сонли буйруғи.*

2009 йил 31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1933 (2009 йил 10 апреллан кучга киради).

5. «Электр-энергетика ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа яхта тартибда ҳимоланиш воситаларини бепул бериш»нинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 16 мартдаги 12/Б-сонли буйруғи.*

2009 йил 2 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1934 (2009 йил 12 апреллан кучга киради).

6. «Газ экспорти ва транзитидан тушадиган валюта тушумларини сотишдан олинадиган маблағларни тақсимлаш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 27 февралдаги 31, 2009-13-сонли қарори.*

2009 йил 6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1935 (2009 йил 16 апреллан кучга киради).

7. «Автомобилда ташувчининг фойдаланиш ҳизмати ва техника хизмати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2009 йил 3 мартдаги 19-сонли буйруғи.*

2009 йил 6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1936 (2009 йил 16 апреллан кучга киради).

8. «Саноат мулки объекти патентининг амал қилишини тиклаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси давлат патент идораси директорининг 2009 йил 11 мартдаги 33-сонли буйруғи.*

2009 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1937 (2009 йил 17 апреллан кучга киради).

9. «Акциядорлик жамиятлари акциядорларининг реестри тўғрисидаги низомни, шунингдек, унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2009 йил 19 мартдаги 01/23-18/02-сонли қарори.*

2009 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 274-2 (2009 йил 17 апреллан кучга киради).

10. «Адвокат томонидан ишни олиб бориш ордер шаклини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 8 апрелдаги 91-мх-сонли буйруғи.*

2009 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1938 (2009 йил 18 апреллан кучга киради).

11. «Қўшма инвесторлар, шу жумладан, хорижий инвестициялари жалб қилиш ҳисобига акциядорлик жамиятларининг устав фондларини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 2009 йил 20 мартдаги 01/23-18/03-сонли қарори.*

2009 йил 10 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1061-1 (2009 йил 20 апреллан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Акциядорлик жамиятлари акциядорларининг реестри тўғрисидаги низом, 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 274, 1998 йил 16 август), (рўйхат рақами 274-1, 2000 йил 10 ноябрь).*

Адлия вазирининг 2009 йил 7 апрелдаги 90-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясини метеорологик таъминоти бўйича йўриқномага (ФАМТЙ-2008) қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорологлик хизмати маркази, Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган.*

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тез пул ўтказиш» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! ТЕЛ.: 237-21-93, 237-16-24. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

МАДАНИЯТ
хабарлари

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган янги уюшманинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

МИЛЛИЙ САНЪАТИМИЗГА ЭЪТИБОР

Тадбирда маданият ва санъат намояндалари, юртимиздаги бир қатор мамлакатлар элчихоналари вакиллари, санъатшунос мутахассислар иштирок этдилар. Унда таъкидланганидек, истиқлол йилларида юртимизда миллий қадрият ва анъаналаримизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бунда, айниқса, миллий ҳунармандчилигимиз намуналарини кенг тарғиб этиш, ёш авлоднинг санъатга иштиёқини ошириш борасида кўрсатилаётган ғамхўрлик ва имтиёзлар муҳим аҳамият этаяпти.

— Янги тузилган Ўзбекистон Рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталари уюшмаси мусаввир, ҳайкалтарош, бадиий графика ҳамда амалий санъат усталари, музейлар ходимлари ва бошқа йўналишдаги мутахассисларнинг ижодий ҳамкорлигини кучайтиришга хизмат қилади, — дейди "Фонд Форум"нинг масъул ходими Фозила Ашурова. — Айни пайтда унга аъзо бўлаётганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Келгусида уюшма ташаббуси билан мамлакатимиз миқёсида ва хорижда турли бадиий кўргазмалар ташкил этилиши кўзда тутилмоқда.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТОМОШАБИНЛАР МАМНУН

Алишер Навоий номли Наманган вилояти мусиқали драма театрининг репертуари яна бир асар билан бойиди. Ижодий жамоа "Бу чоллар ёмон чоллар" номли комедияни саҳналаштириб, томошабинлар эътиборига ҳавола этди.

Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимов қаламига мансуб мазкур комедияда ҳаётда учраб турадиган бойликка ружу қўйиш, маиший-ахлоқий меъёрлардан четга чиқиш сингари иллатларни енгил кулги орқали ифодалашга ҳаракат қилинган. Тақдимот чоғида "Бу чоллар ёмон чоллар"нинг тарбиявий аҳамиятига юқори баҳо берилиб, спектакль ижросини янада мукаммаллаштириш юзасидан фикрлар билдирилди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Истиқлол йилларида юртимизнинг тарихий ёдгорликларини асраб-авайлаш, таъмирлаш, уларни келгуси авлодга етказиш йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Асрлар кўрки ва мулки бўлиб келган бу осориатиқалар орасида Бухоро миноралари алоҳида ўрин тутади.



Мерос

БУХОРО МИНОРАЛАРИ

— Вилоятимизда 15 та қадимий минора бор, — дейди кекса меъмор Исмат Муҳсинов. — Минораи Калон, Вобкент минораси, Чорбакр, Қасри Орифон, Соктаредаги миноралар шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бири ўз меъморий ечими, аниқ ўлчовга эгалиги билан ажралиб туради. Айниқса, Минораи Калондаги нафислик, геометрик уйғунлик кишини ҳайратга солади. Қуёшнинг оловранг нури кошинкор нақшларида ранг-баранг товланган бундай обидани дунёнинг бошқа мамлакатларидан топиш қийин.

Мазкур минора 1127 йилда уста Баҳо исмли меъмор томонидан қурилган бўлиб, унинг пойдевори 11,5 метр, баландлиги 47,5 диаметри эса ўртача 9 метрга тенгдир. Ривоят қилишларича, меъмор минора пойдеворини тиклаган-у, ғойиб бўлган. Орадан бир йил ўтгач, қайтиб келиб минорани яна қуришга киришган. Шу тариқа пойдеворнинг мустаҳкам бўлишига эришилган экан. Зеро, бу кўҳна минора ўтмишнинг кўплаб воқеликларига шоҳид бўлиб, вақт синови ва давр талотўпларидан омон чиқа олди.

— Бунинг сири, — дейди Исмат ака, — миноранинг инсон қоматига ўхшатиб қурилганида. Разм солиб қарасангиз, унинг юқори қисми бошига кулоҳ кийиб, салла ўраган кишини эслатади. Пастки қисми эса одам қоматига ўхшаб кетади. Агар киши кичик бир тошни пешонасига тутиб ташлаб юборса, у, албатта, оёғи устига тушади. Аждодларимиз миноранинг асрлар оша бир хил мувозанатда туришига эришиш учун ана шу оддий ҳақиқатдан оқилона фойдаланганлар.

Минораи Калоннинг юқорисига ҳар бири 50 сантиметрли 105 та пиллапоя орқали чиқилади. Шу боис ушбу муҳташам минора қадимда карвонларга маёқ вазифасини ҳам ўтаган. Минора мезанасига кечалари чироқ ёқиб қўйилган. Шунингдек, у шаҳарга яқинлашаётган душман қўшини тўғрисида маълумот тўплашда ҳам асқотган. Қолаверса, муаззинлар минорадан туриб одамларни намозга чорлашган.

Дарвоқе, яқинда кўҳна юрт обидалари сони яна биттага кўпайди. Мир Кулол зиёратгоҳидаги минора қайтадан бунёд этилди. Меъмор Музаффар Мирзаев бошлиқ усталар бу юмушни бажаришда ота-боболаримиз тажрибаларига, азалий анъаналаримиз асосидаги меъморий услубга таяндилар.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Спорт ● Sport ● Спорт

Тошкентда халқаро турнир

Пойтахтимиз яна бир йирик спорт анжуманига мезбонлик қилмоқда. Бугун «Ўзбекистон» спорт мажмуасида эркин ва юнон-рум кураши бўйича FILAнинг «Олтин Гран при» туркумига кирувчи «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» халқаро турнири бошланади.



Хабарингиз бор, «Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги» мамлакатимизда ўн икки йилдан буён муваффақиятли ўтказиб келинади. У бундан икки йил муқаддам Халқаро ҳаваскор курашчилар ассоциацияси (FILA) томонидан уюштириладиган «Олтин Гран при» туркумига киритилди. FILAга дунёдаги 150 дан ортиқ давлат аъзо ҳисобланади. «Олтин Гран при» туркумидаги мусобақалар саноқли давлатлардагина уюштирилади. Улар ичида Ўзбекистоннинг ҳам борлиги бежиз эмас. Чунки кейинги йилларда мамлакатимизда қўплаб замонавий спорт мажмуалари бунёд этилди, қолаверса, эркин кураш ва юнон-рум кураши бўйича ҳамюртларимизнинг халқаро спорт майдонларида эришаётган ютуқлари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлигидан олинган маълумотда айтилишича, "Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги" халқаро турнирида бу йил йигирмадан ортиқ мамлакатдан икки юздан зиёд номдор полвонлар гиламга чиқади.

Халқаро турнир 18 апрель куни якунланади.

З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Республика марафони ўтказилди

Мамлакатимизда спортнинг оммавийлигини таъминлаш, аҳоли кенг қатламини енгил атлетикага жалб этиш мақсадида Жиззахда умуммиллий спорт марафони ўтказилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси, Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгаши, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан ташкиллаштирилган бу марафонда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган спортчилар қатнашди.

Оммавий югуришда энг яхши кўрсаткичларга эришган Тошкент вилояти спортчилари умумжамоа ҳисобида ғолиб деб топилди. Наманганликлар иккинчи, Тошкент шаҳри вакиллари учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Шунингдек, иштирокчилар "Марафон маликаси", "Энг ёш югурувчи", "Энг кекса югурувчи", "Марафонда фаол иштирок этган ташкилот" каби номинациялар бўйича тақдирландилар.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мактабларга грантлар

Таълим

Учқудуқ туманидаги 11, 12, 13-умумтаълим мактабларига Осиё Тараққиёт банкининг грантлари берилди.

Ушбу грант ҳисобига мактаблар видеокамера, компьютер, рангли принтер, сканер, стол тенниси, мусиқа асбоблари, тикувчилик машиналари, мебеллар билан таъминланади.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Республика Кўчмас мулк биржаси — 15 ёшда!

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида 2009 йил 19 май куни соат 11.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Китоб тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2007 йил 20 февралдаги 10-0621/15275-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Китоб туманидаги «INTRA AGRO AND FOODS» фермер хўжалигига қарашли, Китоб тумани, «Макрид» КФЙ, Янгиобод қишлоғи ҳудудида жойлашган, 2002 йилда қурилган, умумий майдони 780,51 м² бўлган маъмурий бино ва колбаса ишлаб чиқариш цехи (кириш жойи, ғиштли девор ва бетон майдонли йўлаклар билан) қўйилади.

Бошланғич баҳоси — 94 669 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси — РКМБ Қашқадарё вилояти филиалининг Қарши шаҳар «Асака» банкидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000200571452006, МФО 00194, ИНН 200933850.

Манзил: Қарши шаҳри,
М. Абдуллаева кўчаси, 20-уй.
Телефонлар: (8-375) 225-44-58, 225-41-52.

Лицензия: DB 001 № 000004.

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси томонидан олинган маълумотларга назар соладиган бўлсак, орамизда ҳатто орномусни ҳам пул билан ўлчовчи, шахсий манфаат ва нафс учун ўз шаъни-шавкатидан кечадиган кишилар борлигидан ачиниб кетасан, киши.

ОРИЯТ – БЕБАҲО ФАЗИЛАТ

Назорат

Эътироф этиш керак, бугун асримиз ҳам, техника-технологияларимиз ҳам замон билан ҳамқадам равишда ривожланиб бормоқда. Бироқ энг ривожланган мамлакатларда ҳам ахлоқсизлик, зинокорликни тарғиб қилиш қораланади.

— Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш ва ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ҳар йили мамлакатимизда бир неча маротаба "Орият" махсус профилактик тадбири ўтказилади, — дейди ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник Ш. Ҳикматов. — Бир қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда бу борада қилинадиган ишлар режаси ишлаб чиқилган. Ана шу режага мувофиқ, жойларда, ўқув юртларида турли учрашув, семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Минг таассуфлар бўлсинки, шунча тушунтиришларга қарамай, қинғир йўллар билан мамлакатимизга "оммавий маданият" ниқоби остида айрим шармҳаёсиз суратлар, дисклар кириб келаётгани, уларнинг воситачилари эса миллатдошларимиз эканлиги ачинарли ҳолдир. Яқинда пойтахтимизнинг Миробод туманида яшовчи фуқаро А. Абдушукуров Ички ишлар вазирлигига мурожаат қилиб, Ҳамза туманидаги "Янгиобод" ихтисослашган бозорида беҳаё тасвирлар туширилган дисклар сотилаётганини маълум қилди. Ўтказилган текширувлар чоғида шу туманда яшовчи, 1982 йилда туғилган фуқаро А. Абдурахмонов, ҳақиқатан ҳам, фаҳш, беҳаёликни тарғиб қилувчи ана шундай ёзувлар сотаётгани аниқланди. Ундан 160 та диск олиниб, мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Хоразмлик қонун посбонларининг тезкор ҳаракатлари натижасида эса беҳаёликни тарғиб этувчи дисклар аҳоли ўртасида тарқалишининг олди олинган. Боғот туманида яшовчи, 1985 йилда туғилган фуқаро У. Абдуллаев сотаётган порнографик дисклар олиб қўйилган ва мазкур ҳолат юзасидан йиғилган ҳужжатлар Боғот тумани судига юборилган.

2008 йил давомида ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш ва ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими ходимлари томонидан республикамиз бўйича порнографияга дахлдор 114 та ҳолат аниқланиб, қонунбузарларга ҳуқуқий ва маъмурий чоралар кўрилди.

Ҳар қандай қонунбузарликка, жиноятга жазо муқаррар. Юқорида номи зикр этилган дискфурушлар қилмишларига яраша жазо олишди. Бироқ ахлоқсизлик манбасини сотиб олган кишилар ўша дискларни фарзандлари ҳам кўриши мумкинлигини, унинг натижаси эса ёмон оқибатларга олиб келишини ўйлаб кўрмадиларми? Наҳотки, ўша миллатдошларимиз орсизлик, номуссизликни тарғиб қилувчи порнографик суратлар, дисклардан келаётган даромаддан ҳазар қилишмаса, ана шу пул билан оила тебратишдан, норасида гўдаклари учун ризқ деб оиласига олиб киришдан ор қилишмаса?

Одоб-ахлоқ масаласи мавсумий бўлмай, ҳар лаҳза, ҳар сония эътибор қаратиш зарур бўлган долзарб масала. Шуни инобатга олиб, ички ишлар идоралари ходимлари бу борада мунтазам равишда турли тадбирлар ўтказиб келмоқда. Ишонамизки, кўрилаётган чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижасини беради.

Норали ОЧИЛОВ.

ОБ-ҲАВО

(15 апрель)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, айрим жойларда қорга айланиши мумкин. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳарорат тунда 1-6, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёмғир ёғиши кутилмоқда. Баъзи ҳудудларда кечаси ёмғир қорга айланиши эҳтимоли бор. Туман тушади. Тунда 1-6, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади, тунда ёмғир қорга айланиши мумкин. Ҳарорат кечаси 1-6, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, кечаси қорга айланиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 1-6, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Кечаси 2-7, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Тунда 2-7, кундузи 8-13 даража илиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Кечаси ёмғир қорга айланиши ҳам мумкин. Ҳарорат тунда 3-5, кундузи 8-10 даража илиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

ДИҚҚАТ: АУКЦИОН САВДОСИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор сармоядорлар!

Сотиб олинг ва эгалик қилинг!

Фарғона вилояти хўжалик судининг 2008 йил 20 ноябрдаги 15-08-07/15047-сонли ҳал қилув қарорига асосан, «9-автокорхона» ОАЖ банкрот деб эълон қилинган.

Суд бошқарувчиси Х. Бердиев томонидан аукцион савдосига қўйилган корхона 66786,36 кв.м. ер майдонида жойлашган, Фарғона шаҳри, 1-сонли «Ифтихор» МФЙ, М. Ҳасанова кўчаси, 11-уй манзилида жойлашган кўчмас мулк мажмуаси (коммунал шароитлари мавжуд) ҳамда автомототранспорт воситалари мужассам ҳолда 2009 йил 19 май куни соат 11.00 да Фарғона шаҳри, М. Қосимов кўчаси, 58-уй, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биносида бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига чиқарилади.

Мулкий мажмуанинг бошланғич баҳоси — 1 672 637 194 (бир миллиард олти юз етмиш икки миллион олти юз ўттиз етти минг бир юз тўқсон тўрт) сўм.

Аукцион савдоси шартлари: мулкларни сотиб олиш учун ариза, объект бошланғич баҳосининг 2 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули «Асака» банкининг Фарғона филиалидаги МФО 00539, 20208000603758803003 ҳисоб рақамига тўланганлиги ҳақидаги квитанция тақдим этилиши лозим.

Аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдога қўйилган мулклар билан танишиш, савдода иштирок этиш учун аризалар тақдим этиш ва қўшимча саволлар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

«Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси» ЁАЖ Фарғона филиали, Фарғона шаҳри, М. Қосимов кўчаси, 58-уй, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси. Телефон: (8-373) 224-69-96.

FIAT GROUP

NEW HOLLAND TL5060

TEL.: 120 60 97 - 120 89 58

NEW HOLLAND AGRICULTURE

СИЗНИНГ МУВАФФАКИЯТИНГИЗ — БИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ

Ишлаб чиқарувчи корхона аҳолига ва корхоналарга қуйидаги хизматларни кўрсатади:

- **қалинлиги 10 мм. гача бўлган барча турдаги металларни букиш;**
- **барча пайвандлаш хизматлари;**
- **мижоз материалидан (металл) маҳсулот тайёрлаш ва ишлаб чиқариш.**

Қўшимча маълумот учун телефонлар: 120-74-50, 120-74-76. Факс: 120-73-55.

Тошкент молия институти жамоаси Минтақавий иқтисодиёт кафедрасининг профессори **Ҳожиакбар САЛИМОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ 1992-2008 йилларда чиқарилган Ўзбекистоннинг мавзули ва йиллик почта маркалари, блок ва кичик варақларни, кляссер ва буклетларга жойлаштирилган марка тўпламларини тақдим этади. ТЕЛ. 233-70-33. ФАКС 236-36-48. САЙТ: WWW.POCHTA.UZ E-MAIL: OAO@POST.UZ

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 46280 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.45 Топширилди — 23.30